



**Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги**



**Ўзбекистон Республикаси  
Ветеринария ва чорвачиликни  
ривожлантириш қўмитаси**

**АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ИТЛАР ВА МУШУКЛАР БИЛАН  
МУОМАЛАДА БЎЛИШ, УЛАРНИ САҚЛАШ ВА БОҚИШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ-2024**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ

---

**АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ИТЛАР ВА МУШУКЛАР БИЛАН  
МУОМАЛАДА БЎЛИШ, УЛАРНИ САҚЛАШ ВА БОҚИШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ - 2024**

## МУНДАРИЖА

К И Р И Ш.....	3
УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	4
1. ИТЛАР ВА МУШУКЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ, ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ВАКЦИНАЦИЯ ИШЛАРИ .....	5
2. ИТЛАР ВА МУШУКЛАРНИ САҚЛАШГА ОИД ТАЛАБЛАР.....	6
3. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ҚАРОВСИЗ ВА КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН ИТЛАР ВА МУШУКЛАРНИ ТУТИШ ВА САҚЛАШ.....	8
4. ИТЛАР ВА МУШУКЛАР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....	9
5. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ .....	12
6. ҚОИДАЛАРНИНГ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК.....	13
ИЛОВАЛАР .....	16

## К И Р И Ш

Аҳоли пунктларида итлар ва мушуклар билан муомалада бўлиш, уларни сақлаш ва боқиш бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда — **Қўлланма** деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

**Қўлланма** аҳоли пунктларида итлар ва мушуклар билан муомалада бўлиш, уларни сақлаш ва боқиш юзасидан **ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилди.**

Қўлланмада аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва вакцинация қилиш бўйича соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

Қўлланмани **очиқ манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади** ва ундан **фойдаланиш бепул** ҳисобланади.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади.

**Мазкур услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.**

## УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур қўлланма итлар ва мушукларни рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва вакцинация қилиш, уларни сақлаш амалиётини тартибга солади.

Қўлланма туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари, туман (шаҳар) ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари ходимлари учун хизмат вазифаларини бажаришда ҳамда фуқаролар учун кундалик турмушида фойдаланишида методик қўлланма вазифасини ўтайди.

Мазкур қўлланмада қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ветеринария паспорти** — ҳайвонга берилган ва идентификация рақамига мувофиқ расмийлаштирилган, ҳайвон эгасини белгиловчи, ҳайвонлар касалликлари профилактикаси ва уларни даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар қайд этиб бориладиган ҳужжат;

**идентификация** — биркалаш, тавро босиш (тамғалаш) ва чип ўрнатиш (электрон идентификация) орқали ҳайвонларни аниқлаш имконини берадиган индивидуал рақам бериш, шунингдек, ҳайвонлар тўғрисида маълумотларни электрон ахборот тизимига киритиш ва уларга ветеринария паспортини расмийлаштириш;

**электрон ахборот тизими** — ҳайвонлар ҳисоби ва уларни ҳисобга қўйиш ҳақидаги мавжуд маълумотлар базасидаги ахборотлар мажмуаси;

**ҳайвонлар** — жисмоний ва юридик шахслар томонидан асраб, кўпайтириладиган (боқиладиган) қорамоллар, қўй ва эчкилар, чўчқалар, отлар, эшаклар ва туялар, итлар ва мушуклар;


**ҳайвон эгалари** — ҳайвонларни ўз эҳтиёжи ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кўпайтириш, боқиш ва сақлашни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар;

**ҳайвонлар ҳисоби** — ҳайвонларнинг яшаш даври давомида уларнинг келиб чиқиши, кўпайиши (кўпайтирилиши) ва ҳаракати, шунингдек, ҳайвонларда учрайдиган касалликларга қарши профилактика, ташхис

қўйиш ва даволаш ишлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуи;

## 1. ИТЛАР ВА МУШУКЛАРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ, ҚАЙТА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ВА ВАКЦИНАЦИЯ ИШЛАРИ

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги 202-сонли қарори билан тасдиқланган “Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни сақлаш” Қоидалари Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни (хизмат итлари бундан мустасно) сақлаш тартибини белгилайди ҳамда итлар ва мушукларнинг барча эгалари, шу жумладан юридик шахслар учун мажбурий ҳисобланади.



Бунда, аҳоли пунктларида итлар рўйхатга олиниши ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш тегишли **ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари** томонидан амалга оширилади. Итларни рўйхатга олишда итларнинг эгаларига белгиланган тартибда итларнинг ветеринария паспорти берилди.

Итлар такроран вакцинация қилинганда, бу ҳақда итларнинг ветеринария паспортига тегишли маълумотлар киритилади.

1.2. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига итларни қутуришга қарши ўз вақтида вакцинация қилиш учун итларни сақлайдиган фуқаролар тўғрисидаги

маълумотларни маълум қилади.

### БУНИ БИЛИШ ЗАРУР:



Зотидан қатъи назар, **3 ойликдан** бошлаб итлар вакцинация қилиниши керак.



Янги сотиб олинган итлар, агар улар вакцинация қилинган муддат номаълум бўлса, сотиб олингандан кейин **бир ҳафта муддатда** вакцинация қилиниши ҳамда ветеринария паспорти расмийлаштирилиши ва рўйхатга олиниши керак.

Итларни рўйхатга оладиган ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари:

вакцинация қилишда харажатлар белгиланган тартибда қопланган ҳолда ветеринария паспортини ва **микрочиплар** (тери остига киритилади) беришга;

ҳайвон эгаларини ушбу Қоидалар билан таништиришга мажбур. Буни ит эгаси итнинг ветеринария паспортига қўйиладиган имзоси билан тасдиқлаши керак.

*Маълумот учун: Чип ўрнатиш (электрон идентификация) усули ҳайвонларнинг барча турларига қўлланилиши мумкин.*

Зотидан қатъий назар ит ва мушуклар уч ойлигидан ҳисобга олинади. Мушукларга ҳам чип ўрнатиш (электрон идентификация) усули орқали идентификация қилинади. Ҳайвонларга идентификация рақами берилганидан сўнг уч иш куни мобайнида давлат ветеринария хизматининг вакили ҳайвон эгасига мувофиқ шаклдаги ветеринария паспортини расмийлаштиради.

## 2. ИТЛАР ВА МУШУКЛАРНИ САҚЛАШГА ОИД ТАЛАБЛАР

2.1. Санитария-гигиена ва ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш итлар ва мушукларни сақлашнинг мажбурий шарти ҳисобланади.


### ШАРТ

Барча итлар, зарур ҳолларда эса улар билан бирга сақланадиган бошқа қутуришга мойил ҳайвонлар қутуришга қарши эмлаш вакцинаси билан профилактик эмланиши шарт.

Аҳолини ҳайвонлар ва одам учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза қилиш мақсадида идентификация қилинмаган итлар ва мушукларни юридик ва жисмоний шахслар



томонидан сақлаш ва боқиш тақиқланади.




ЁДДА  
ТУТИНГ

Кўп қаватли уйларнинг алоҳида квартирасида қўшнилари ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги билан **биттадан ортиқ бўлмаган ит** ва **мушук** сақлашга рухсат берилади. Алоҳида уйда итларни сақлашга фақат боғланган ҳолда, эркин сайр қилдиришда - атрофи ўралган ҳудудда ажратилган ҳолда сақлашга йўл қўйилади.  
*Изоҳ: ортиқча ит ва мушуклар ҳайвонларни вақтинча сақлаш жойларга (приют) топширилади.*

Итлар очиқ жойларда сайр қилдирилганда ва турар жой биноларида итларнинг эгалари тинчлик сақланишини таъминлашлари — эрталаб соат **8.00 гача** ва кечқурун **22.00 дан кейин** итларнинг вовиллашининг олдини олишлари керак.

**2.2. Итлар ва мушукларни қуйидаги жойларда сақлаш ва ҳаракатлантириш тақиқланади:**



умумий фойдаланиладиган жойларда;  
 қўриқчи итларни таълим ва тиббиёт муассасаларида;  
 умумий овқатланиш корхоналарига, озиқ-овқат дўконлари ва бошқа дўконларнинг савдо ва ишлаб чиқариш залларига олиб кириш;  
 итлар ва мушукларни кўпчилик борадиган жойларда (пляж, ҳовуз, фаввораларда) чўмилтириш ёки ювиш;  
 маст ҳолатдаги шахслар ва 14 ёшдан кичик болаларнинг итларни сайр қилдириши;  
 итлар билан жамоат жойларида бўлиш ва жамоат транспортига чиқиш;  
 олдини олиш мумкин бўлган итлар ва мушукларнинг ўлишига ёки жароҳатланишига олиб келган итлар ва мушукларни ташлаб кетиш, уларга жароҳат етказиш, уларни қаровсиз ҳолда қолдириш, уларга озор бериш ёки жисмоний ва маънавий азоб бериш, уларга нисбатан бошқа йўл қўйиб бўлмайдиган ҳаракатларни содир этиш;  
 итлар ва мушукларни санитария-эпидемиология ва ветеринария хизматларининг рухсатсиз болалар муассасаларининг зоология бурчакларида олиб бориш.

**2.3. Итлар очиқ жойларда ёки бунинг учун махсус ажратилган майдонларда сайр қилдирилади, бу ерлар ҳар доим озода сақланиши керак.**

Сайр қилдириш жойлари бўлмаган жойларда итнинг эгаси ит

қочиб кетмаслиги, атрофдаги одамлар ёки бошқа ҳайвонларга хужум қилмаслик чораларини кўриши зарур.

**2.4.** Итлар ва мушукларни кузатиш сифатида уларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш, рўйхатдан чиқариш ва сақлашнинг тўлиқ қамраб олинганлиги ҳолати тушунилади.

*Бунда касалликларига қарши ўтказилаётган профилактик даволаш, ташхис қўйиш ишлари доимий равишда кузатилади.*

### РУХСАТ БЕРИЛАДИ:

Ит очиқ жойларда сайр қилдирилганда у тумшуқбоғда ва **2 метргача** узунликдаги етовда, жамоат жойларида **1 метргача** узунликдаги етовда бўлиши керак, тумшуқбоғсиз ва етовсиз фақат махсус ажратилган майдонларда сайр қилдиришга;

Итлар ва мушукларни транспортнинг жамоат транспортдан бошқа барча ер усти турларида олиб юришга;

Кичик итлар ва мушукларни жамоат транспортда уларнинг соғлиғига хавф солмайдиган ва улар қочиб кета олмайдиган кўчма қурилмаларда, шунингдек йўловчиларнинг хотиржамлиги бузилишини истисно этган шартларга риоя қилган ҳолда олиб юришга.

## 3. АҲОЛИ ПУНКТЛАРИДА ҚАРОВСИЗ ВА КАСАЛЛИКЛАРГА ЧАЛИНГАН ИТЛАР ВА МУШУКЛАРНИ ТУТИШ ВА САҚЛАШ

Кўчаларда ва бошқа жамоат жойларида **етовсиз юрган итлар ва мушуклар ҳатто бўйинбоғи ва тумшуқбоғи бўлган тақдирда ҳам**, уларнинг зоти ва вазифасидан қатъи назар, тутиб олиниши керак.

Аҳоли пунктларида итлар ва мушукларни тутиш одамлар ва ҳайвонларнинг қутуриш ва бошқа зарарли касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек одамлар ва ҳайвонларни тишлаб олишини бартараф этиш мақсадида амалга оширилади.

Тутиб олинган итлар, зотидан қатъи назар, **5 кун** мобайнида ит тутиш хизматларида сақланади ва ит эгаси мурожаат қилган ва итнинг уники эканлиги (ветеринария паспорти) тасдиқланган ва сақлаш харажатлари тўланган тақдирда эгасига қайтарилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган муддат тамом бўлгандан кейин тутиб олинган, касаллик белгилари бўлмаган зотли итлар сақлаш харажатлари тўлангандан кейин манфаатдор шахсларга берилиши мумкин.

Эгаси ва манфатдор шахслар топилмаган тақдирда улар ҳайвонларни вақтинча сақлаш жойларга (приют) топширилади.

Қаровсиз итлар ва мушукрларни тутиш, ташиш ва сақлаш туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Юқумли касалликларга чалинганлиги гумон қилинган ва одамларга тажовуз қилаётган итлар тўғрисида ҳайвон эгалари ёки туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари томонидан давлат ветеринария хизматларига мурожаат қилиниши лозим.

Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари орқали тутиб сақланаётган сўйиладиган ҳайвонлар ўттиз кун мобайнида ҳайвон эгалари томонидан олиб кетилмаган тақдирда, ушбу ҳайвонлар ободонлаштириш бошқармалари ҳисобига ўтказилади ва давлат ветеринария хизмати томонидан ветеринария кўригидан ўтказилгандан сўнг, сўйилиб фақат қайта ишлаш мақсадлари учун ишлатилиши мумкин.

### БУНИ БИЛИШ ЗАРУР:

➤ Кўчмас мулк эгалари ёки унда хўжалик юритадиган шахслар ўз объектлари ва ҳудудларида **қаровсиз қолган ҳайвонлар бўлишига** ёки **уларни овқатлантиришга** йўл қўймасликлари керак. Бундай ҳайвонлар пайдо бўлган тақдирда дарҳол шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги **қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлими ходимларини чақириш зарур.**

➤ Ит ва мушукларни **сотиб олиш, сотиш, олиб келиш ва олиб кетишга** ҳайвоннинг соғлиғи тўғрисида ветеринария ҳужжатлари ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳужжатлар бўлган тақдирда йўл қўйилади.

## 4. ИТЛАР ВА МУШУКЛАР ЭГАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**4.1.** Ҳар қандай ҳайвон эгасининг **мулки ҳисобланади** ва ҳар қандай мулк сингари қонун билан муҳофаза қилинади.

Ҳайвон эгасидан суднинг қарорига кўра ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа асослар бўйича олиб қўйилиши мумкин.

Итнинг эгаси ўз итини етовга боғланган ҳолда ва тумшукбоғда чекланган вақт мобайнида ёлғиз қолдириш

ҳуқуқига эга.

Ит ва мушук эгалари ветеринария хизматидан ҳайвонларнинг касалликка чалиниши ҳолати, эпизоотик вазият тўғрисида, шунингдек, ҳайвонларда ўтказилган махсус текширишлар натижалари, уларга кўрсатилган ветеринария хизмати учун тўловлар миқдорлари ҳақида ахборот ва бошқа маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Ит ва мушук эгалари ўз ҳайвонларини келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни, озуқаларни, озуқабоп қўшимчаларни, ветеринария дори ва техника воситаларини ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ олиш ҳамда реализация қилиш ҳуқуқи мавжуд.

#### **4.2. Ҳайвон эгалари қуйидагиларга мажбур:**

– атрофдаги одамлар ва ҳайвонларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган зарур чораларни кўриш;

– итларнинг қўшнилари тинчлигини бузиб тинимсиз вовиллашига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

– итлар ва мушукларнинг умумфойдаланишдаги жойларни ифлос қилишига йўл қўймаслик;

– умумфойдаланишдаги жойларда итлар ва мушуклар қолдирган экскрементларни олиб ташлаш;

– итлар ва мушуклар қолдирадиган экскрементларни дарҳол йиғиштириб олиш учун ўзи билан анжом олиб юриш;

– итларни сотиб олишда ва бошқа жойга кўчганда уларни тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларида рўйхатдан ўтказиш ва ҳар йили қайта рўйхатдан ўтказиш, шунингдек зарур маълумотларни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига маълум қилиш;

– итларни ветеринария паспортини тақдим этиш ҳамда итларни текшириш ва касалликнинг олдини оловчи эмлаш учун ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига олиб келиш;

– тегишли ҳудудга киришда ит борлиги тўғрисида огоҳлантирадиган тахтача ўрнатиш;

– ит ёки мушук одамларни ёки ҳайвонларни тишлаган тақдирда уни дарҳол текшириш ва **10 кун** муддат ажратиб қўйиш учун ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига олиб келиш ҳамда биринчи ва такрорий ветеринария кўриги ҳақидаги маълумотномани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларидан олиш ва уни тишлашдан

жабрланган шахсга дарҳол топшириш;

– ҳайвонлар қутуриш касаллигига чалинганлиги ҳақидаги ҳар бир шубҳаланишда дарҳол ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларини хабардор қилиш ва уларни ажратиб қўйиш учун зарур чоралар кўриш;

– касал итлар ва мушукларни ҳайвонлар ажратиб қўйиладиган махсус хизматларга топшириш;

– итлар ўлган тақдирда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимларига, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига хабар бериш ҳамда ўлган итнинг жасадини ташлаб юбормаслик, уни итни ветеринария паспортини илова қилган ҳолда туман ва шаҳар **ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига** топшириш;

– ўзларига тегишли ҳайвонлар касалликларининг олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳўжалик ва ветеринария тадбирларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириши,

– касал ҳайвонни даволатиши, зарур бўлган ҳолларда, тегишли давлат ветеринария инспекторининг кўрсатмасига кўра унинг сўйилишини ёки йўқ қилиб ташланишини белгиланган тартибда таъминлаши;

– ҳайвонларнинг тўсатдан нобуд бўлганлиги ёки ғайриодатий хатти-ҳаракати фактлари тўғрисида мазкур ҳудудга хизмат кўрсатувчи давлат ветеринария хизматини зудлик билан хабардор қилиши;

– ҳайвонларни юқумли касалликлардан муҳофаза этиш бўйича тегишли карантин тадбирлари ва бошқа ветеринария тадбирлари ўтказилишини, шунингдек тўлиқ ҳажмда даволаш-профилактика ишловлари ўтказилишини таъминлаши;

– ҳайвонларни, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни сақлаш учун мўлжалланган бошқа иншоотларни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ сақлаши;

– объектларда дезинфекция, дезинсекция, дератизацияни ўз вақтида ўтказиши;

– ҳайвонларни, келиб чиқиши ҳайвонотга мансуб маҳсулот ва хом ашёни ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларига риоя этган ҳолда реализация қилишни амалга ошириши.

## 5. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ



### Шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари:

– кўчаларда ва бошқа жойларда қаровсиз қолган, шу жумладан эгасиз итлар, мушуклар ва йиртқич ҳайвонларни тутишни ташкил қиладилар, шунингдек уларни вақтинча сақлаш учун махсус жойлар барпо этадилар;

– одамлар ва ҳайвонларга жароҳат етказган ёхуд ноҳўй ҳаракат қилинмаганда уларга ҳужум қилган ҳайвонларни кейинчалик карантин қилиш учун ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига олиб келадилар;

– ҳайвонлар қутурган тақдирда тегишли ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими билан биргаликда мажбуран ўлдирилади ва куйдириб йўқотилади, шунингдек ўлган ҳайвонларни ветеринария-санитария қоидаларига риоя этган ҳолда зарарсизлантирадилар ва патологик намуналар тегишли йўлланма хат билан ветеринария лабораторияларига юборилади.



### Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

– ўлган ва дайди итлар ҳамда мушуклар аниқланганда бу ҳақда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ҳузуридаги қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимига хабар қиладилар;

– ҳайвонлар қутурганлигига шубҳаланилганда қисқа муддатларда туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига ва соғлиқни сақлаш органларига хабар қиладилар.



### Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида итларни қутуришга қарши мажбурий вакцинация қилишни ҳар йили белгиланган муддатларда ўтказадилар;

– қутуриш аниқланган тақдирда карантин зонасидаги ва



таҳдид зонасидаги қутуришга мойил барча ҳайвонларни қутуришга қарши профилактик вакцинация қиладилар;

– ҳайвонлар учун антирабик вакциналарнинг зарур захирасини яратадилар;

– ветеринария ҳақидаги қонунчиликда назарда тутилган қутуриш профилактикаси бўйича бошқа ветеринария тадбирларини ўтказадилар;

– ветеринария талаблари бажарилишини назорат қиладилар.



### Соғлиқни сақлаш органлари:

– жабрланганлар мурожаат қилган тақдирда қутуришга қарши вакцинацияни тезкорлик билан ўтказадилар;

– қутуриш юқиши хавфи таъсирида бўлган аҳоли гуруҳини (қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш бўлимлари, ўрмон хўжалиги ходимлари ҳамда ихтисослаштирилган овчилик бригадаларининг овчиларини) мунтазам равишда вакцинация қиладилар;

– фуқаролар учун антирабик вакциналар ва иммуноглобулиннинг зарур захирасини яратадилар.

## 6. ҚОИДАЛАРНИНГ БУЗИЛГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ушбу Қоидаларга риоя этилишини ички ишлар органлари қонунчиликда белгиланган тартибда назорат қиладилар.

Ушбу Қоидалар бузилган тақдирда белгиланган тартибда ички ишлар органлари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузилади.



### Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 109-моддасига асосан:

Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузганлик, эпизоотияларга қарши курашиш чораларини кўрмаганлик,

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайвонларнинг юқумли касалликлари ўчоқлари аниқланганда чекловчи тадбирлар (карантин) қоидаларини бузиш, шунингдек ҳайвонларнинг бир вақтнинг ўзида оммавий касалланиши ёки тўсатдан нобуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотларни давлат ветеринария назорати органларидан яшириш, уларга хабар бермаслик,

базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч баравари миқдорида** жарима солишга сабаб бўлади.

Ветеринария дори воситалари ва озуқабоп қўшимчаларнинг хавфсизлиги нормаларини ҳамда уларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш ёки ўтказиш қоидаларини бузиш,

ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўн баравари миқдорида** жарима солишга сабаб бўлади.



### Ит ва мушук боқиш қоидаларини бузиш

Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 110-моддасига** асосан:

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ит ва мушук боқишнинг қоидаларини бузиш, худди шунингдек мансабдор шахслар томонидан эгасиз ҳайвонларни туттириш чораларини кўрмаганлик — **фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса** — иккидан бир қисмидан бир бараваригача **миқдорда** жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик фуқароларнинг соғлиғи ёки мол-мулкига зарар етишига олиб келса, — **фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса** — бир бараваридан икки бараваригача **миқдорда** жарима солишга сабаб бўлади.



### Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш

1. Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 111-моддасига** асосан:

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни уларни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қийноққа солиш ёки уларга азоб бериш, — базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч бараваридан беш бараваригача** миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси



қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахс ҳозирлигида содир этилган бўлса ёки ҳайвонларнинг ўлимига ёхуд майиб бўлишига олиб келса,

— базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш бараваридан ўн бараваригача** миқдорда жарима солишга ёки **ўн беш суткагача** маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

**Жиноят ишлари бўйича судлар** Кодекснинг 110-моддасининг биринчи (мансабдор шахсларга нисбатан) ва иккинчи қисмларида, 111-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқади.

Ички ишлар органлари Кодекснинг 110-моддасининг биринчи қисмида (фуқароларга нисбатан), 111-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун — **ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика катта инспекторлари ва инспекторлари ҳамда ички ишлар органлари патруль-пост хизмати бўлинмаларининг мансабдор шахслари** маъмурий жазо қўллашга ҳақли.

Шунигдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-711-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси **2021-модда** билан тўлдирилди ҳамда ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланди.

2. Ўзбекистон Республикасининг **Жиноят кодексининг 2021-моддасига** асосан:

Ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш, яъни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда уларни қийноққа солиш ёхуд уларга азоб бериш уларнинг ўлимига ёки майиб бўлишига олиб келса, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма беш бараваридан элик бараваригача** миқдорда жарима ёки **икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари** ёки **бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари** ёхуд **олти ойгача озодликни чеклаш** ёки **олти ойгача озодликдан маҳрум қилиш** билан жазоланади.

## ИЛОВАЛАР

### **Аҳоли пунктларида итлар ва мушуклар билан муомалада бўлиш, уларни сақлаш ва боқишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ветеринария тўғрисидаги қонуни
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 июлдаги “Қаровсиз қолган ҳайвонларни тутиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги “Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарори;
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 декабрдаги “Ҳайвонларни идентификация қилиш, рўйхатга олиш ва кузатиш тизимининг тартиб-тамоиллари такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори.